

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2022 йил январь ойининг 27 кунини жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик қилувчи Х.Тухтаев, судья ёрдамчиси З.Ҳамдамовнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Хатирчи туман прокурори ўринбосари А.Тешаев, жабрланувчилар Ш.Мизомова, И.Эшбоев ва Ш.Эшбоевнинг иштирокида Очилов Воҳиджон Шухрат ўғлини айблов ҳақидаги 1-2110-2102/6-сонли жиноят ишини кўри. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Очилов Воҳиджон Шухрат ўғли (Ochilov Vohidjon Shuxrat o'g'li) - 1993 йил 6 ноябрь кунини Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Хатирчи тумани, “Учқора” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи В.Очилов жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг 12.05.2021 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан, яъни 245.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, маъмурий жазога тортилган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2021 йил 22 октябрь кунини соат 14:30 ларда Хатирчи тумани, “Учқора” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қайнонаси Ш.Эшбоевани яшаш хонадонига бориб оилавий сабабларга кўра у ерда бўлган турмуш ўртоғи Ш.Мизомова, қайнонаси Ш.Эшбоева ва қариндоши



И.Эшбоевларни “шаъни ва қадр-қимматини қасддан беодоблик билан таҳқирлаб, уларни турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилган.

Судда судланувчи В.Очилов айбига қисман иқрорлик билдириб, Ш.Мизомова билан 2019 йил 15 октябрь куни турмуш қургани, ўртасида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи Ш.Мизомова билан қонуний ажрашмагани, турли хил оилавий сабабларга кўра жанжаллашиб қолгани, 2020 йил январь ойи охирларида турмуш ўртоғи Ш.Мизомова онасини уйига кетгани, 2021 йил 22 октябрь куни чойхонага кириб овқатланиб 150 гм спиртли ичимлик истеъмол қилиб, соат тахминан 11:30 ларда турмуш ўртоғи Ш.Мизомова унга телефон қилиб, “Воҳид ака ўғлимиз Беҳрўзни соғлиги бўлмабди бизни уйга бир келинг” деб яшаш хонадонига чақиргани, соат тахминан 14:30 ларда қайнонаси Ш.Эшбоевани яшаш хонадонига бориб, турмуш ўртоғи Ш.Мизомова билан биргаликда чой ичгани, қайнонаси Ш.Эшбоева уларни олдидан туриб қаергадир кетгани, у турмуш ўртоғи Ш.Мизомова билан суҳбатлашиб ўтирганида профилактика инспектори И.Отақулов телефон қилганида унга нима учун турмуш ўртоғи Ш.Мизомовага телефон қилаётганини сўрагани, И.Отақулов шу рақамдан бир неча бор телефон бўлгани, шунинг учун қайтиб чиқаётганини айтгани, у Ш.Мизомовага нима учун профилактика инспекторига телефон қилганини сўраганида қайнонаси Ш.Эшбоева профилактика инспекторига телефон қилганини айтгани, шу орада қайнонаси Ш.Эшбоева акаси И.Эшбоев билан келгани, у улар билан гаплашиш учун “inoi” русумли телефон аппаратини чўнтагига солгани, И.Эшбоев кўлига ёғоч калтак кўратиб унга нима қилиб юрибсан дегани, у унга турмуш ўртоғи Ш.Мизомова ва ўғли Беҳрўзбекни кўргани келганини айтганида Ш.Эшбоева бу ердан кет деб турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, у И.Эшбоевга ташқарида гаплашамиз бу ерда бола кўрқади деб айтиб, уйни орқа томонидан ўтган ички йўлга чиққани, И.Эшбоев уни турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилганида, жаҳли чиқиб И.Эшбоевни турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб, уни онасини сўкмаслигини ҳозир ўзингни онангникига тиқиб кўяман деб айтгани, И.Эшбоев уни ҳақорат қилиб телефон аппаратини ташлаб кет деганида телефон аппаратини пулини берса қайтариб беришини, ушбу телефон аппарати уни пулига олинганини айтгани, И.Эшбоев уни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилганида, жаҳли чиқиб И.Эшбоевни оғизга олиб бўлмас сўзлар



билан ҳақоратлаб ўша ерда бўлган кесаклардан бир нечтасини отгани, лекин у отган кесаклар И.Эшбоевга тегмагани, жаҳли чиққани учун турмуш ўртоғи Ш.Мизомовага олиб берган “inoi” русумли телефон аппаратини ўзи билан Тошкент шаҳрига олиб кетгани, 2021 йил 24 октябрь куни “inoi” русумли телефон аппаратини йўл машинаси орқали турмуш ўртоғи Ш.Мизомовага бериб юборгани, у турмуш ўртоғи Ш.Мизомова ва қайнонаси Ш.Эшбоевани уриб сўкиб ҳақорат қилмагани, қилган ишидан пушаймонлиги, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи В.Очилов айбига қисман иқдорлик билдирган бўлса-да, унинг айби судда муҳокама қилинган ва ҳуқуқий баҳо берилган кўйидаги далиллар билан тўлиқ исботланади:

жабрланувчи Ш.Мизомова судда, судланувчи В.Очилов турмуш ўртоғи бўлиши, у билан 2019 йил 15 октябрь куни турмуш қургани, ўртасида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи В.Очилов билан қонуний ажрашмагани, турмуш ўртоғи В.Очилов билан 2020 йил 21 январь кунигача бирга яшагани, оилавий келишмовчиликларга кўра 2020 йил 21 январдан буён бирга яшаслиги, 2021 йил 22 октябрь куни соат тахминан 14:30 ларда В.Очилов маст ҳолатда уларни уйига келиб, даҳлизни эшигини оёғи билан бир маротаба тепгани, у билан онаси Ш.Эшбоева ўтирган хонага оёқ кийимини ечмасдан кириб келгани, онаси Ш.Эшбоева турмуш ўртоғи В.Очиловга кел мана бу ерга ўтир гапинг бўлса тинч келиб тинч кет мана ўғлингни кўр дегани, В.Очилов онаси Ш.Эшбоевага қараб сен ўзи бизни ҳаётимизни бузаяпсан деб ёқасидан ушлаб силталаб сени ишинг бўлмасин хохлаган вақтимда келиб кетаман дегани, унга телефон бўлиб қолганида турмуш ўртоғи В.Очилов унга ким сенга телефон қилаяпти деб турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб юзига бир шаппат уриб чўнтагидаги “inoi” русумли телефон аппаратини олиб қўйгани, В.Очилов уни урмоқчи бўлиб иттариб юборганида у ўғли Бехрзбекни устига йиқилиб тушгани, В.Очилов онаси Ш.Эшбоевани кўлидан ўғлини тортиб олиб онасини кўкрагидан итариб юбориб “сени ишинг бўлмасин булар мени оилам деб хонадан чиқариб юборгани, онасига гаплашиб оламиз” деб чиқариб юборгани, В.Очилов уни ёнига келиб биқинига икки мушт урганида ерга йиқилиб тушгани, В.Очилов уни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб “сен нима учун мен билан яшамаябсан” деб икки уч маротаба тепгани, унга телефон бўлганида В.Очилов кўтариб кимсан дегани, унга



телефон ҳудуд профилкатика инспектори И.Отақулов телефон қилгани, уларни уйга келмасидан олдин у И.Отақуловга телефон қилиб турмуш ўртоғи В.Очилов унга телефон қилаётганини айтмоқчи бўлиб бир неча бор телефон қилганида кўтармагани, профилактика инспектори И.Отақуловга нима учун мени турмуш ўртоғимга телефон қилаяпсан деб турли хил гапларни гапиргани, тоғаси И.Эшбоев келиб нима ҳар келганида жанжал қилаяпсан нима учун ичиб келдинг деганида тоғаси И.Эшбоевга “сенга нима мен оиламни олдига келаяпман нима қилсам ҳам ўзимни оилам” дегани, тоғаси И.Эшбоев турмуш ўртоғи В.Очиловга жанжал қилма тинч кет мана ўғлинг деганида тоғасини кўкрагидан иттариб хонадан ташқарига чиқиб кетгани, тоғаси И.Эшбоев турмуш ўртоғи В.Очиловга Шоҳистани телефон аппаратини бериб кет деганида жавоб қайтармасдан индамай яшаш хонадонини ёнига ўтиб кетгани, тоғаси И.Эшбоев уни ортидан борганидан сўнг турмуш ўртоғи В.Очилов уни иттариб юбориб уйини ортидаги ички йўлга ўтгани, тоғасини оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб ўша ердаги кесакларни тоғаси И.Эшбоевга отгани, В.Очилов онаси Ш.Эшбоевага телефон аппаратини бермасдан турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб юзига бир шаппат ургани, В.Очилов онаси Ш.Эшбоевага сени қизинг “жалаб, буғоз, қизингни уйнаши кўп” деб ҳар-хил сўзлар билан ҳақорат қилиб туҳмат қилиб кетгани, 2021 йил 30 ноябрь куни турмуш ўртоғи В.Очилов “inoi” русумли телефон аппаратини бериб юборгани, судланувчи В.Очиловга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

жабрланувчи И.Эшбоев судда, судланувчи В.Очилов куёви бўлиши, унга адвоати йўқлиги, жияни Ш.Мизомова 2019 йил октябрь ойларида В.Очиловга турмушга чиққани, 2021 йил 22 октябрь куни соат тахминан 14:00 ларда яшаш хонадонига ўз ишларини қилиб турганида синглиси Ш.Эшбоева набираси Бехрузни кўтариб яшаш хонадонига келиб, куёви В.Очилов яшаш хонадонига келиб қизи Ш.Мизомова билан жанжал қилаётганини айтгани, у борганида куёви В.Очилов жияни Ш.Мизомова билан тортишиб уни турли хил сўзлар билан сўкиб ҳақорат қилиб тургани, В.Очиловга бу ерда жанжал қилмаслигини айтиб синглиси М.Эшбоевани яшаш хонадонидан чиқиб кетишини сўраганида, В.Очилов унга “чиқмайман сен хўжайин эмассан” деб уни турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, у В.Очиловга жанжал керак эмаслигини айтиб уни бироз ҳовуридан тушуриб синглиси Ш.Эшбоевани яшаш хонасидан ташқарига яъни супага чиқаргани, В.Очилов синглиси



Ш.Эшбоевани яшаш хонадонини орқа томонидаги ички йўлга ўтгани, Ш.Эшбоева унга куёви В.Очилов жияни Шохситани қўл телефон аппаратини олиб кетаяпди, шу телефон аппаратини олиб беринг дегани, Ш.Эшбоева В.Очиловдан қўл телефон аппаратини олмоқчи бўлиб ёнига борганида В.Очилов синглиси Ш.Эшбоевани иттариб юбориб, турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, Ш.Эшбоевага “қизинг жалаб ҳозир ҳомиладор бўлиб қолибди менда ўзини тортаяпди” деб турли хил сўзлар билан ҳақорат қилгани, у куёви В.Очиловга телефон аппаратини бериб кетишини айтганида уни яна турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб тош отгани, лекин у отган тош унга тегмагани, судланувчи В.Очиловга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

жабрланувчи Ш.Эшбоева судда, судланувчи В.Очилов куёви бўлиши, унга адвоати йўқлиги, қизи Ш.Мизомова В.Очиловга турмушга чиққани, улар 3 ой яшаб, оилавий сабабларга кўра бирга яшамай 2020 йил январь ойидан буён уни уйда яшаши, 2021 йил 22 октябрь куни соат тахминан 14:30 ларда қизи Ш.Мизомова ва набираси Беҳрўзбеклар билан овқатланиб ўтирганида куёви В.Очилов маст ҳолатда яшаш хонадонини кириш эшигини оёғи билан тепиб уларни олдига келганида, куёви В.Очиловга нима гап тинчми деб сўраганида “сени ишинг бўлмасин мен оиламни кўргани келаяпман” дегани, қизи Ш.Мизомовага кимдир телефон қилиб қолганида қизини қўлидан “inoi” русумли телефон аппаратини олиб ҳали сен кимлар билан гаплашяпсан деб телефонни ичини кўриб, қизини оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб судраб ургани, Ш.Мизомова набираси Беҳрўзни устига йиқилиб тушганида у куёви В.Очиловга нима учун бундай қилаяпсан деб набираси Беҳрўзбекни кўрсатиб мана бу бола кўрқиб кетди дегани, В.Очилов унга сен билан қизинг жалабсанлар деб қизи Ш.Мизомовани кўрсатиб мана бу кимлар билан телефонда гаплашиб юрибди дегани, В.Очилов уни сансаллаб ёқасидан ушлаб, ҳақорат қилиб, чиқ бу ердан мен оилам билан гаплашяпман деб уни хонадан чиқариб юборгани, унга нимага чиқариб юбординг ҳозир яна қизи Ш.Мизомовани урасан деганида мен қизингни урмайман, сен бу хонага кирма ташқарида ўтир дегани, қизи Ш.Мизомова она-она деб бақирганида олдига боргани, у хонага кирганида В.Очилов бир қўлига ўғли Беҳрўзбекни кўтариб олиб иккинчи қўли билан қизи Ш.Мизомовани уриб ётгани, шу орада қўнғироқ бўлиб қолганида В.Очилов телефон аппаратини кўтариб жавоб бергани, куёви



В.Очилов профилактика инспектори И.Отақулов билан телефонда гаплашаётганида у набираси Бехрўзбекни олиб акаси И.Эшбоевни яшаш хонадонига бориб, уни чақириб акаси билан бирга келгани, куёви В.Очиловга қизи Ш.Мизомова билан жанжал қилмаслигини айтиб турганида уларни олдига акаси И.Эшбоев келиб, Воҳид нима учун бу ерга ичиб келасан, ўғлингни кўрмоқчи бўлсанг тинч келиб тинч кет буларни тинчлигини бузма деб айтганида, В.Очилов уларни яшаш хонасидан ташқарига чиқиб кетгани, у акаси Ш.Эшбоевга ака куёви В.Очилов уни “inoi” русумли телефон аппаратини олиб кетаяпти олиб беринг дегани, И.Эшбоев куёви В.Очиловдан “inoi” русумли телефон аппаратини олмоқчи бўлиб ёнига борганида акасини ерга иттариб юбориб турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, у В.Очиловни чўнтагидан телефон аппаратини олмоқчи бўлганида куёви В.Очилов унга “сен ҳам қизинг Шоҳиста ҳам жалабсанлар, қизинг буғоз” деб турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб ерга иттариб юборгани, акаси И.Эшбоев куёвига нима жанжал қиласан тинч кет бу ердан деганида В.Очилов ердан кесак олиб отгани, судланувчи В.Очиловга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ Р.Сувонов судда, Ш.Эшбоева уни қўшниси бўлиши,  
2021 йил

22 октябрь куни соат тахминан 14 ларда яшаш хонадонига ўз ишларини қилиб юрганида қўшниси Ш.Эшбоевнинг яшаш хонадонини орқа томонидан ўтган ички йўлда бақир-чақир овозини эшитиб, борганида И.Эшбоев, унинг синглиси Ш.Эшбоева ҳамда жияни Ш.Мизомовалар куёви В.Очилов биргалашиб турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилаётгани, В.Очилов ҳам И.Эшбоев, Ш.Эшбоева ҳамда Ш.Мизомовани турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилаётганини кўриб, В.Очиловни ёнига бориб қўлидан ушлаб қўй уят бўлади сўкишманглар кийинчалик яхши бўлиб кетади деб айтгани, улар бир-бирларига кесак отишиб бир-бирларини ҳақорат қилгани, у билан жияни Ж.Суяров уларни ажратиб юборгани, И.Эшбоев, Ш.Эшбоева ҳамда Ш.Мизомова В.Очиловни урмагани, лекин улар В.Очиловни турли хил оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақидаги кўрсатуви;

Бундан ташқари, фуқаро Ш.Эшбоева, Ш.Мизомова ҳамда И.Эшбоевларнинг туман ИИБ бошлиғининг номига ёзган аризалари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, фотожадвали, тушунтириш хатлари, шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ва суддаги



кўрсатуви ҳамда ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи В.Очиловнинг жинойи ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.

Суд, судланувчи В.Очиловга нисбатан жазо тайинлашда айбига қисман иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилгани деб баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини инobatга олиб Жиноят кодексининг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолишни, жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойда ўтатиришни, жазо муддати корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукм ижросини таъминлаш Хатирчи туман ИИО Пробация гуруҳига юклашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд жиноят орқасида етказилган зарар қисмини муҳокама қилиб қўйидаги хулосага келди.

Жабрланувчилар Ш.Мизомова, И.Эшбоев ва Ш.Эшбоевага етказилган маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаровий иш юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топди.



Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилади,-

### **Ҳ У К М:**

Судланувчи Очилов Воҳиджон Шухрат ўғли (Ochilov Vohidjon Shuxrat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Очилов Воҳиджон Шухрат ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойда ўтатирилсин. Жазо муддати корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Хатирчи туман ИИО Пробация гуруҳига юклансин.

Судланувчи В.Очиловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчилар Ш.Мизомова, И.Эшбоев ва Ш.Эшбоевага етказилган маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаровий иш юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчиларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Навоий вилоят судига йигирма сутка ичида апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**  
**Ҳ.Тухтаев**

ИМЗО

Аслига тўғри :



## ХУСУСИЙ АЖРИМ

2022 йил январь ойининг 27 кунини жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик қилувчи Х.Тухтаев, судья ёрдамчиси З.Ҳамдамовнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Хатирчи туман прокурор ўринбосари А.Тешаев, жабрланувчи Ш.Мизомова, И.Эшбоев ва Ш.Эшбоевнинг иштирокида Очилов Воҳиджон Шухрат ўғлини айблаш ҳақидаги 1-2110-2102/180-сонли жиноят иши курилиши давомида қўйидагилар

### АНИҚЛАНДИ:

Суд мажлисида аниқланишича, судланувчи В.Очилов Жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг 12.05.2021 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида, яъни 245.000 (икки юзи қирқ беш минг беш юз) сўм жарима жазоси тайинланиб, маъмурий жазога тортилган бўлсада, бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан, 2021 йил 22 октябрь кунини соат 14:30 ларда Хатирчи тумани “Учқора” МФЙ ҳудудида жойлашган қайнонаси Эшбоева Шаҳзода Сайдиновнинг яшаш хонадонига бориб оилавий сабабларга кўра у ерда бўлган турмуш ўртоғи Мизомова Шоҳиста Ғайрат қизи, қайнонаси Эшбоева Шаҳзода Сайдиновна ҳамда қариндоши Эшбоев Илҳомиддин Сайдиновичларни “шаъни ва қадр-қимматини қасдан беодоблик билан таҳқирлаб, уларни турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилган.

Судланувчи В.Очилов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, қонунда белгиланган меъёردа жазо тайинланди.

Жиноят ишини судда кўриш жараёнида, судланган В.Очилов ва жабрланувчилар мунтазам равишда оилавий келишмовчилик сабабли тортишувлар ва низолар келиб чиққанлиги аниқланди.

Бу эса улар ўртасида адоват ва нафратни кучайтирмоқда, келгусида бу нафрат ва адоватлар, тортишувлар салбий оқибатларга яъни ўта оғир жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.



Судланувчи В.Очилов ва жабрланувчилар яшаб келган “Учқара” маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан ярашув комиссиясида улар ўртасида мунтазам равишда давом этиб келаётган тортишув ва низоларни муҳокама қилиб яраштириш чоралари кўрилмаган.

Суд қайд этиб ўтилган ҳолатларни олдини олиш, кўшнилари яраштириш чоралари кўриш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, тарғибот ишларини кучайтириш ва бу каби кўшнилари ўртасида бўладиган жанжал ва тортишувларни олдини олиш мақсадида Хатирчи тумани “Учқара” маҳалла фуқаролар йиғини эътиборига хусусий ажрим чиқаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298, 423-моддаларига кўлланиб, суд ажрим қилди:

#### А Ж Р И М:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан судланган Очилов Воҳиджон Шухрат ўғлига нисбатан бўлган жиноят иши бўйича Хатирчи тумани “Учқара” маҳалла фуқаролар йиғини эътиборига хусусий ажрим чиқарилсин.

Хусусий ажрим маҳалла фаоллари ва фуқаролар иштирокида муҳокама қилиниб, кўрсатиб ўтилган хатокамчиликларни бартараф этиш учун зарурий чора-тадбирлар белгилансин.

Хусусий ажрим юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижаси хусусида судга бир ойлик муддат ичида маълум қилинсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида хусусий тартибда шикоят қилишга прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

**Ҳ.Тухтаев**



**Маъсул судья: Тухтаев Ҳабибулла Баратович**



Ҳужжат имзоланган: Тухтаев Ҳабибулла Баратович, 27.02.2022

